O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ислом КАРИМОВ:*

**Ишонаман, беш-ўн йил ичида Ўзбекистонимизнинг қиёфаси тамомила ўзгариб кетади, қудратига қудрат қўшилади. Насиб этса, ҳаммамиз бунинг гувоҳи бўламиз!**


# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2000 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

№ 25 (25.575).

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN




## СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

**Президент Ислом Каримов ташаббуси билан соғлом авлодни тарбиялашга, маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда 2000 йил – «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди ва бу борада ҳукуматимизнинг махсус қарори асосида давлат дастури қабул қилинди.**

**24 февраль куни Оқсарой қароргоҳида «Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Давлатимиз раҳбари «Соғлом авлод» давлат дастурини тайёрлаш жараёнида турли вазирлик, идора ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, илмий муассасалар вакиллари қарийб икки ой давомида ҳамкорликда иш олиб борганини айтди. Қабул қилинган дастурда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Айни пайтда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, мазкур дастур амалга оширилгач, ҳар бир оила, умуман, халқимиз ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлади, деган савол бугунги кунда жуда долзарб. Ундаги режалар ҳамюртларимизнинг кундалик турмушига қай даражада таъсир кўрсатади, эл-юрт саломатлигини яхшилашга қай даражада хизмат қилади?

Ислом Каримов дастурни бажаришда ҳар бир мутасадди вазирлик, идора ва ташкилот ўзи учун иш кўламини аниқ белгилаб олиши зарурлигини қайд этди. Чунки соғлом авлодни тарбиялаш жуда кенг тушунча бўлиб, бу борадаги ишларни бошқа давлат дастурларида кўрсатилган чора-тадбирлар билан аралаштириб юбормаслик муҳимдир. Бунда қуруқ гап ва ташвиқот эмас, одамларнинг тафаккурида соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчани шакллантириш, тиббиёт муассасалари имкониятларини кенгайтиришга қаратилган амалий ишлар талаб этилади. Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланганидек, дастур топшириқларининг аниқ муддатларда бажарилиши учун ўзларига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўриш, мавжуд имкониятларни сафарбар этиш ҳар бир раҳбарнинг муҳим инсоний бурчидир.

Мамлакатимиз Президенти дастурни ижро этиш жараёнида бирламчи эътибор қаратилиши зарур бўлган устувор йўналишларга алоҳида тўхталиб, аввало, балоғат ёшига етган қизларимизни мактабдаёқ оилавий ҳаётга психологик, жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлашни йўлга қўйиш кераклигини қайд этди. Бунинг учун мактабларда махсус қўлланмалар асосида дарслар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, оила қуриш фақат икки ёш ўртасидаги иш эмас, бутун жамият ҳаётига алоқадор масаладир. Зеро, соғлом фарзанд соғлом оиладагина дунёга келади. Шу боис ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этиш, улар саломатлигини, бир-бирига тиббий ва жисмоний жиҳатдан мослигини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Учинчи йўналиш — ҳомиладорлик ҳамда фарзанд туғилиши пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, мустаҳкамлаш ва сақлаш. Давлатимиз раҳбари бу борада Республика акушерлик ва гинекология институтида бой тажриба тўпланганини айтиб, вилоятларда институтнинг бўлимларини очиш таклифини билдирди.

Маълумки, бир ёшгача бўлган давр чақалоқлар ҳаётида энг хавфли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу даврда уларнинг саломатлиги, тарбиясига махсус эътибор талаб қилинади. Ислом Каримов бу тўртинчи йўналиш бўйича масъул идораларни аниқ белгилаб олиш ва улар фаолиятини қатъий назорат қилиш кераклигини уқтирди.

Бешинчидан, бир ёшдан беш-олти ёшгача бўлган даврда бола саломатлигини мустаҳкамлаш, тарбиясини тўғри ташкил этиш. Чунки айнан шу давр боланинг ақлан ва жисмонан шаклланишида энг катта аҳамиятга эга. Фарзандларимиз тафаккури таркиб топаётган пайтда уларга тўғри тарбия бериш, ҳаёт учун зарур билимларни олишига шароит туғдириш масаласи доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

Йўлбошчимиз эътиборни жалб қилган олтинчи йўналиш — ногирон болаларни давлат томонидан ҳимоялашни кучайтириш, уларнинг жамиятнинг тўлақонли аъзоларига айланиши учун шарт-шароит яратишдир. Чунки ҳар қандай миллат ва жамиятнинг маънавияти ҳам ногиронларга муносабат билан ҳам белгиланади.

Президент Ислом Каримов дастурда белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда жойлардаги масъул раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш, халқимиз онгида соғлом авлод тушунчасини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш даркорлигини таъкидлади. Зеро, соғлом авлод — барча эзгу мақсадларимиз шарти, миллатимиз келажагидир.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-тадқиқот институти директори Д.Маҳмудова, Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 10-туғуруқхона комплексининг бош шифокори А.Любчич, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий А.Баҳромов, «Наврўз» хайрия жамғармасининг раиси Д.Ёқубов сўзга чиқди.

■ **Беҳзод УСМОН (ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: мажлис пайти.**

**Муҳаммад АМИН олган суратлар.**

**Бугун Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги II пленуми бўлиб ўтади. Пленумда мамлакатдаги ялпи сайловлар якунлари ва партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларнинг кўрилиши мўлжалланмоқда.**

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

24 февраль куни Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер Файзуллаев Қиролича Елизавета Иккинчига ишонч ёрлиғини топширди.

Ёрлиқ топшириш маросимида Қиролича Ҳазрати Олиялари ўзбек халқининг қадимий тарихи ва кўп асрлик маданиятига ўзининг юксак ҳурматини изҳор этди. Қиролича Елизавета Иккинчи Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Қироллик ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг тадрижий ривожланишига асос солган И. Каримовнинг 1993 йил ноябрь ойида Лондонга қилган ташрифини самимият билан ёдга олди.

Суҳбат давомида томонлар ўзаро ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантиришдан ҳар икки мамлакат манфаатдор эканини тасдиқладилар.

■ **«Жаҳон» АА**

## ЙИЛ ОЙ КУН

### ХОРИЖГА ҲАМ ЧИҚАРИЛАДИ



Навоий вилоятидаги «Сардоба-парранда» акциядорлик жамиятида товуқ гўшти ва тухум ишлаб чиқариш билан бир қаторда ёрдамчи тармоқлар ҳам ривожлантирилмоқда. Кейинги йилларда бу ерда қандолатчилик, колбаса ва макарон тайёрлаш цехлари ишга туширилди. Яқинда эса яна бир цех иш бошлади. Бу ерда бир кеча-кундузда 20 тонна пиёзни қайта ишлаш имконияти бор. Сифатли қуритилиб, қадоқланган маҳсулот харидорбоп. Муҳими, цехда маликработлик 50 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Қадоқланган сифатли пиёзларни тез орада ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам жўнатиш мўлжалланган.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

### УСТОЗ ТОР ЧЕРТГАНДА



Тошкентда ажиб бир кеча уюштирилди, — деб хабар қилади **Шаҳноза Ризаева**. — Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида ўтказилган бу йиғин анъанавий ижрочилик кафедрасининг катта ўқитувчиси Шомаҳмуд Шораҳметов ижодига бағишланди. Уни санъатшунос Соибжон Бегматов бошқарди. «Шошмақом», «Фарғона — Тошкент» мақом йўллари устоз бастакор асарларида уйғунлашиб кетгани ҳақида сўз юритилди. Тажрибали созанданинг «Мухаммаси насруллои», «Сайқал» ҳамда «Мушкулоти дугоҳ», «Чавандози баёт», «Савти наво» каби куйларни рубоб ва танбурда ижро этиши йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. Бундай йиғинларни анъанага айлантириш ҳақида мулоҳаза билдирилди.

**ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА**

## ЙЎЛЛАР ВА БОЛАЛАР

Йўлга чиқасиз. Қатор-қатор машиналарнинг бир-бирини қувиб, ғизиллаб ўтаётганини, айримларининг ўқдай учаётганини кўрасиз. Яна кўрасизки, тўп-тўп пиёда чорраҳаларда, бурилиш жойларида тирбанд, машина «тажовузидан» кўпларининг тоқатлари тоқ. Баъзи шошқалоқлар эса бир амаллаб йўлни кесиб ўтиш пайида ўзларини офат домига уришади, кимлар жон ҳовучлаб нариги бетга ўтиб олишади, кимдир эса...

Текшириб кўрилганида ўша кимдир аксарият ҳолларда болалар ва ўсмирлар бўлиб чиқади. 1999 йилнинг ўзида бундай ҳалокатга 399 бола гирифтор бўлди, 2500 га яқини эса жароҳатланди, мажруҳ бўлиб қолганлари озмунчами.

Энди бундай нохушлик сабаблари ҳақида фикр юритайлик. Аввало болалар: «Машина босиб кетмайди, чунки акаларимиз, опаларимиз бошқаришяпти», деб ўйлашади. «От» минганларнинг аксарияти эса бола у ёқда турсин, ҳатто отасини ҳам «танимайди». Ҳайдовчиларнинг асаб, руҳий ва жисмоний ҳолатлари ҳар хил. Шу боис, эрталаб уйдан чиққан ҳайдовчи-ю пиёдани кечқурун соғ-омон қайтиши давлат бўлиб қолди.

Сўзсиз машина кўпайса, офат ҳам кўпаяди, деган фикрдан йироқмиз. Машинанинг кўпайиши яхшилик аломати, қолаверса, у энди ҳавасгина эмас, эҳтиёжга айланган. Иллатни бошқа жойдан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини билмаслик, унга риоя қилмаслиқдан ахтариш жоиз.

Биринчи қадамни мактабдан бошлаш керак, деб ўйлайман. Сабаб йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини илмий ўрганмай туриб, вазиятни ўзгартириб бўлмайди. Мактабларда бу соҳада маълум ишлар қилиняпти, албатта. Ҳаракат хавфсизлиги қоидалари ўқитилмоқда. Тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин бу жуда ҳам кам, қолаверса, синф раҳбарлари ўтказаётган машғулотлар талабга жавоб беради, дейиш қийин. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини мустақил дарс сифатида мактаб ўқув дастурига киритмоқ мақсадга мувофиқдир. Албатта, бу ишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Дарслик яратиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, маблағ топиш... Лекин оилалар бошига тушаётган мусибатлар муаммони четлаб ўтиш мумкин эмаслигини тақозо этмоқда.

Муҳими, бизда дарслик яратишга қодир олимлар, мутахассислар ҳам, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш негизлари ҳам бор. Улардан фойдаланишга қурби етадиган мутасадди ташкилотлар ҳам етарли. Чамамда маблағ ҳам йўқ эмас. Гап масаланинг муҳимлигини чуқур англашда ва хоҳиш-истакда қолган, холос. Шу ишга даҳлдор алоқадор вазирликлар, ўқитувчию ота-оналар масаланинг долзарблигини маъқуллаб, тезроқ ҳал этиш тарафдори. Республика Давлат автомобиль назорати Бош бошқармаси раҳбари-ю мутахассислари ҳам масалани ечишда фаол қатнашишга шай экан. Бундай хайрли ва савобли иш айни «Соғлом авлод йили»да амалга ошса, айни муддоа бўларди, деган умиддамиз.

■ **Эркин САМАНДАР, ёзувчи, республикада хизмат кўрсатган журналист**

**ҚАТРАНОМАЛАР**

### АНТИҚА УСУЛ

**Пойтахтлик газетхон Аброр Шоаҳмедов қўнғироқ қилди:**

**— «Ўзбекистон овози» сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади. Бироқ, почтачи учала сонни бир қилиб, ҳафта охирида олиб келади. Бу ҳолни назорат қилувчилар борми? Мен газетани ўз вақтида ўқишим учун обуна бўлганман.**

### ФЕРМЕРНИ ҚЎРҚИТМАНГ!

**Гулистон туманидаги «Янги ҳаёт» ширкат хўжалигида яшовчи фермер Карим Кенжаевнинг хатидан кўчирма:**

**«Менга туман солиқ инспекцияси 232 минг сўм пул жарима солибди. Буни банкдан билдим. Ҳокимга ёқмаган фермерлар жарима тўлайди, шартномани бажармаган фермерга, қаердан бўлса ҳам уддалайсан, бўлмаса қамалиб кетасан, деб дўқ-пўписа қиладилар... Фермер оиласи билан ёз бўйи ишлаб, яна айбдор бўлиб қолмаслиги учун ҳақиқат, иймон, инсоф-диёнат бўлмоғи керак...».**

### ОФАРИН, ҚОЙИЛ!!!

**Йўлда қоидани бузиб ўтаётган оппоқ «Нексия»ни Давлат автомобиль назорати ходими тўхтатди. Машина ичидан соҳибжамол аёл тушди. Назоратчи унинг ҳужжатларини олиб қўйди. Жарима тўлайсиз, деди... Лекин ДАН ходимининг қувлиги тутди шекилли, аёлга Давлатимиз мадҳиясини айтиб берсангиз, оқ йўл, кетаверасиз, деб қолди.**

**Аёл бало экан. Мадҳияни шундай айтдики, ДАН ходими унинг қаршисида таёқдай қотиб турди...**

**Аёлга ҳужжатларини қайтариб бераркан, раҳмат деди ғурур билан...**

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ тайёрлади**

**ЛУҚМА**

## ЎРА

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «ўра» сўзига сабзавот, дон ва шу кабиларни кўмиш учун махсус қазилган, одатда ости кенгроқ бўладиган чуқурлик деб таъриф берилган. Бинобарин, ота-боболаримиз картошка, сабзи, шолғом каби неъматларни куз фаслидан то ёзгача сақлаш учун ўрага кўмишган. Ҳозир бу кўҳна усулга эҳтиёж жуда кам: совуқхоналар, махсус жиҳозланган омборлар ва бошқа иншоотлар мавжуд.

Аммо тешик узук ерда қолмас экан. Қадимий усул қарийб унутилаётган бир пайтда, ундан баъзи ҳокимлик ва идоралар фойдалана бошладилар. Тўғри, улар ўрага картошка ёки сабзи кўмишаётгани йўқ. Унга асосан газеталарда чиқаётган танқидий мақолалар ва уларга жавоб йўллаш зарурлигини эслатувчи хатларни ташлашмоқда. Мазкур ўранинг катта-кичиклиги, чуқур ёки саёзлигини уларга «кўмилган» танқидий мақолаларнинг сонига қараб билиш мумкин.

Ўтган йили пойтахтимиздан ободончилик, коммунал ва транспорт хизмати ҳамда бошқа соҳалардаги камчиликлар хусусида ўнлаб танқидий мақолалар чоп этилди. Лекин уларнинг кўпчилигига Тошкент шаҳар ҳокимлиги беписанд қаради. Ҳатто шу танқидий чиқишларга муносабат билдириш сўралган эслатма хатларга ҳам жавоб бермади, чамаси улар ҳокимият ҳузурида қазилган «ўра»га ташлаб юборилди. Масалан, газетамизда чоп этилган «Озодаликка нима етсин» (4.03.1999й), «Шоҳбекатми ёки...?» (24.04.1999 й), «Сен ҳақми, мен ҳақ?» (1.05.1999 й), «Қачонгача сув кечамиз?» (15.06.1999 й), «Дабдабами... дағдағами?» (21.09.1999 й.) сарлавҳали мақолаларга муносабат билдирилмади. Эслатма хатларга ҳам жавоб бўлмади.

Пойтахтдан анча олис бўлса-да, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳам матбуотни менсимасликда олдинги сафларда боряпти: танқидий чиқишларга кўнгли хушласа жавоб беради, хушламаса йўқ. Бултур газетамизда эълон қилинган 5 та танқидий чиқишга — «Рост қайси, ёлғон қайси?» (25.03.1999), «Меросcиз меросхўрлар» (6.04.1999), «Саккиз йиллик «уйқу» (27.04.1999), «Лойиҳа қачон тайёр бўлади?» (1.05.1999), «Отам руҳи шод бўларди» (15.06.1999) сарлавҳали мақолаларга жавоб келмади.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги «Оёғи ердан кўтарилган-ов» (5.01.1999), «Асаббузарлик» (7.01.1999), «Уволи тутмайдими?» (25.02.1999), «Кўмир ғиштга айланди» (27.04.1999) сарлавҳали танқидий мақоларимизни ва уларга қўшимча эслатмаларимизни юқорида айтилган «ўра»га ташлаб юборганларини қандай баҳолашни билмаймиз.

Жавобсиз қолган мактубларимизнинг бари муҳтарам ҳокимларга шахсан юборилган. Лекин уларнинг қўлига текканми, тегмаганми бизга қоронғу. Тўғри, ҳокимларнинг ишлари кўп, вақти тиғиз, матбуот чиқишларини кузатишга имкониятлари чекланган, аммо уларнинг матбуотни кузатиб боришга даъват этилган ўринбосарлари, ёрдамчилари бор. Улар қаёққа қарашаяпти?

■ **Бобо САРОЙИЙ**

ХДП ҲАЁТИ

# ЎРГАНИШДАН МАҚСАД – ЭЪТИҚОДНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА СИЁСИЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ

Яқинда партия Марказий Кенгаши Котибияти янги таҳрирдаги Ўзбекистон ХДП Дастури ва Низомини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. **Ушбу ҳужжатларнинг тўла матни партия матбуотида эълон қилинган, Дастур рисола шаклида босилиб чиқди. Бу билан ХДП аъзолари томонидан мазкур ҳужжатларни мустақил ўрганиш учун имконият туғилди. Шундай вазиятда бундай қарорнинг қабул қилинишига зарурат бормиди?** — шу ва мавзуга доир бошқа саволлар билан биз Ўзбекистон ХДП МК Мафкуравий ишлар бўлими мудири Собир Қурбоновга мурожаат этдик. Қуйида шу суҳбат матнини эълон қилмоқдамиз.

**Қурбонов**: Маълумки, Ўзбекистон ХДПнинг 1999 йил 8 октябрида бўлиб ўтган III Қурултойи партиянинг янги таҳрирдаги Дастури ва ўзгартиришлар киритилган Низомини тасдиқлаган эди. Зеро, партиянинг биринчи Дастурини қабул қилгандан буён ўтган саккиз йил давомида мустақил юртимиз катта тарихий йўлни босиб ўтди. Партиямизнинг унда баён этилган кўплаб ғоялари — мустақилликни мустаҳкамлаш, замонага мос ўзбек давлатчилигини вужудга келтириш, ҳуқуқий давлат ва инсоний, демократик жамиятни бунёд этишга киришиш, иқтисодиётни бозор муносабатлари ўзанларида ислоҳ қилиш, миллий маънавиятни шакллантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятини тўлақонли аъзоси бўлишини таъминлаш ва бошқалар — асосан рўёбга чиқдилар ёки чиқмоқдалар. Эндиликда, XX аср охири ва XXI аср бошларида мамлакатимиз, халқимиз олдида янги, кенг кўламли ва муҳим вазифалар турибди. Шу билан бирга, халқаро вазият ҳам ўзгариб, тобора мураккаблашиб бормоқда. Мамлакатда юз берган жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлган Ўзбекистон ХДПнинг ўзи ҳам ўзгарди, ўсиб улғайди, тажриба orттирди, нуфузли сиёсий кучлардан бирига айланди.

Буларнинг барчасини партия Дастурида ўз инъикосини топиши, унинг янги қоида ва хулосалар билан бойитилиши ҳаёт тақозосига айланди. Шу боисдан, Марказий Кенгашнинг XIX ва XX пленумлари нафақат ушбу ҳужжатни, балки ХДП Низомини ҳам янгилаш вазифасини қўйди ва у қисқа муддатларда бажарилди. Партиянинг Учинчи Қурултойи Ўзбекистон ХДПнинг янги таҳрирдаги Дастури ва янгиланган Низомини тасдиқлади. Қурултой, шунингдек, партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларига мазкур ҳужжатларни чуқур ўрганишни ташкил этишни топширди. Марказий Кенгаш Котибиятининг шу масалага доир қарори, Қурултойнинг ана шу топшириғини бажаришни таъминловчи, аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Бу ерда шуни айтиш керакки, партиямизнинг янгиланган бош сиёсий ҳужжатларини аксарияти олий ва махсус ўрта маълумотли бўлган ХДП аъзолари мустақил равишда ҳам ўрганишлари мумкин ва кўплар шундай қилмоқдалар. Бу жуда яхши. Бироқ, уларни жамоавий тарзда ўрганишнинг талай афзалликлари(машғулотларнинг режали тарзда ўтказилиши, улар давомида фикр алмашувига имконият мавжудлиги, маслаҳатчи-тарғиботчининг борлиги, ўрганиладиган адабиётларни тингловчиларга етказиб бериш қулайлиги ва ҳоказолар) ҳам борки, биз уларни инкор эта олмаймиз. Шунинг учун, МК Котибияти партия ташкилотларини сиёсий ўқувларнинг жамоавий шаклларидан кенг фойдаланишга йўналтириб, жуда тўғри иш қилди, деб ҳисоблайман. Лекин, бу билан Дастур ва Низомни мустақил ўрганиш мумкинлиги инкор этилмайди.

**Савол: Котибият қарорида жамоавий машғулотларнинг қандай шаклларидан фойдаланиш ҳақида кўрсатма берилган?**

**Жавоб:** Бундай кўрсатма қарорда йўқ. Бошланғич партия ташкилотлари машғулотлар шаклини танлашда эркиндирлар. Улар ўз имкониятлари ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, машғулотнинг шаклини(сиёсий клуб, мулоқот клуби, давра суҳбати, сиёсий тўгарак, семинар ва бошқалар) танлайдилар. Бунда, албатта, тингловчилар билан маслаҳатлашиш, уларнинг фикр-мулоҳазалари, истакларини ҳисобга олишнинг аҳамияти катта.

Масаланинг яна бир муҳим томони, бу — тарғиботчилар муаммосидир. Агар машғулотларни моҳирлик билан олиб борувчи, билимли ва тажрибали тарғиботчи танланса, у тингловчиларни қизиқтириши, уларда Дастур ва Низомни чуқур ўрганишга кўникма ҳосил қилдириши, мураккаб назарий, сиёсий, кундалик турмушда учрайдиган масалалар юзасидан тўғри маслаҳат бериши мумкин. Акс ҳолда, тингловчилар машғулотлардан қаноат ҳосил қилмай, уларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, партия ҳужжатларини ўрганишдан кўнгли совиши турган гап. Шунинг учун, тарғиботчиларни танлашга жиддий эътибор бериш, машғулотларни ўтказиш учун тегишли қулайликлар туғдириш, ҳар бир партия аъзосида Дастур ва Низомни ўрганишдан шахсий манфаатдорлик туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш масалалари ХДП маҳаллий ташкилотларининг диққат марказида турмоғи лозим. Партия кенгашлари бу ишда бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатишга даъват этилганлар. Марказий Кенгаш машғулотларнинг намунавий мавзулари ва уларни ўтказишнинг тахминий режасини ишлаб чиқиб, жойларга юборди. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида услубий мақолалар эълон қилинмоқда. Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашларининг вазифаси уларни бошланғич ташкилотларимиз, сафдошларимизга етказиб беришни таъминлашдир.

**Савол: Партиянинг Дастури ва Низомини ўрганиш жараёнида нималарга эътибор бериш лозим?**

**Жавоб:** Авваламбор, партиямизнинг бош сиёсий ҳужжатларини ўрганишни юқори партия органларига ҳисобот бериш учун ташкил этиш, бу муҳим ишни расмиятчиликка айлантиришнинг мутлақо кераги йўқ. Тоинки, ихтиёрий равишда уларни мутолаа қилиб, мазмун-моҳиятини ўзлаштириш, аҳамиятини тушуниш партия аъзолари учун мажбурий иш бўлмай, балки ҳаётий заруратга айлансин. Чунки, сафдошларимиз партиянинг дастурий ғояларини чуқур идрок этган тақдирдагина, уларни рўёбга чиқариш учун онгли равишда киришадилар, партиясиз хайриҳоҳ фуқароларни бу ишга жалб этишга ҳаракат қиладилар.

Албатта, ХДП Дастури ва Низомига оид машғулотларда мамлакатимизда ислоҳотларнинг бориши, демократик жараёнларнинг чуқурлашиши, миллий истиқлол маънавиятини яратиш ва бу жараёнларда партиямиз ташкилотлари, аъзоларнинг иштироки билан боғлиқ долзарб масалаларга ҳам тўхталиш, бу соҳалардаги ютуқ ва мураккабликларни четлаб ўтмаслик даркор. Партия ўқувларининг амалий ишлар билан вобасталикда ўтишини таъминлаш зарур.

Демакки, ҳар бир маъруза, суҳбат, мулоқотнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан қизиқарли, эсда қоладиган, фойдали бўлишига интилмоқ лозим.

Партиямизнинг янгиланган Дастури ва Низомини ўрганишни барча ташкилотларимизда уюштиришдан кутилаётган асосий мақсад — Ўзбекистон ХДП сафларида бирлашган ватандошларимизнинг ғоявий эътиқодини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимиз равнақи йўлидаги сиёсий фаоллигини оширишдир.

# БОЗОРДА СОТИЛМАЙДИ, ЙЎҚОЛСА ТОПИЛМАЙДИ

**Мавзуни ўқиган киши ҳайратда қолиши мумкин, бу нима бўлди-ки, бозорда сотилмаса, йўқолса топилмаса? Биз кўпчилик эътибор бермайдиган, берганда ҳам кучи-қудратига ишонмайдиган оддий тупроқ, она ер, заминни назарда тутяпмиз. Дарҳақиқат, биз ҳар куни уни босиб ўтамиз, кўнглимизга ёқмас бадбўй ҳид тарқатадиган нарсалар бўлса унинг бағрига бекитамиз. Лекин, у ҳеч нарсага эътибор бермайди, ўксимайди, озгина меҳнат қилсангиз у сизга хоҳлаган нозу неъматлар етиштириб бераверади. Ўзбекистон халқи ям-яшил, кўзни қамаштирувчи меваю, сабзавотларни, қовуну-тарвузларни етиштирувчи «олтин» тупроққа, она заминга эга. Дарҳақиқат, Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романида сайёраларнинг бири айни тупроқнинг бузилиши оқибатида ҳалокатга учрагани фараз қилинган. Мухбиримиз биология фанлари доктори, профессор Латиф ТУРСУНОВ билан суҳбатлашди.**

**—Деҳқончилик маданияти нима, шу тўғрисида кенгроқ тўхталиб ўтсангиз?**

—Кўп ҳолларда биз тупроққа асосий ишлов бериш (шудгор) технологиясини бузиб қўямиз. Шудгордан асосий мақсад — яхши увоқланган, қоришган ғовак қатламни вужудга келтиришдир. Минг афсуски, биз ерни ўта қуруқ ҳолда ҳайдаб катта кесаклар мажмуасини вужудга келтирсак, баъзисида ўта нам ҳолда ҳайдаб ёппасига кесилиб ағдарилган силлиқ палахса массани вужудга келтирамиз. Еримиз иккала ҳолда, айниқса, кейингисида ишдан чиқади, деҳқон тили билан айтганда, ер майиб бўлади, буни эса 40 йилда ҳам тузатиб бўлмайди.

Хўжалик учун, айни пайтда, нўноқ деҳқон учун ерни ишдан чиқариш айб ҳисобланмайди, чунки уларнинг фикрича, бузилган ерни яхши ер билан алмаштириш имкони бор. Шуни эътироф этиш керакки, республикамизда деҳқонларимиз ерга муҳтожликни сезмайдилар. Бизда экинбоп ер жамғармаси бор. «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларидек, ерга ҳам маданий муомала керак. Ер юзида шундай мамлакатлар борки, унда деҳқон бир қарич экинбоп ерга зор.

Энг олдин мен шу куннинг хўжалик раҳбарларидан, деҳқонлардан кечирим сўраб, сизлар асримизнинг 40-50 йилларидаги хўжалик раҳбарларига, бободеҳқонларга ўхшамайсиз, деб айттим келади. Бунинг далили сифатида қуйидагиларни эслатишни жоиз кўрдим. 50 — йилларда (ушбу суҳбат соҳиблари ҳам қишлоқда — деҳқон оиласида туғилган, хўжаликда меҳнат қилган, вояга етган) бободеҳқон эрталабки ишни ўз уйига яқин хўжалик ерига ғалтак билан гўнг тўкишдан бошлар, хўжалик раҳбари ҳам ишни шундай ташкил қиларди. Сиз ҳеч ўйламангки, 50-йилларда қишлоқ хўжалиги техникаси кўп бўлган деб. У даврда техника жуда кам эди. Лекин хўжаликнинг ўз от араваси, деҳқоннинг эса эшак-аравасию, ғалтаги бўлган. Ҳозир-чи булар йўқ. Ўрнига деҳқон уйида енгил машина ёки мотоцикл пайдо бўлган. Бу билан, албатта, гўнг ташиб бўлмайди. Тўғрисини айтганда, ҳозирги деҳқон оқ билак деҳқонга айланган.

Суҳбатларда кўпгина хўжалик раҳбарларига шу нарсаларни айтсангиз, эй домла, олдин хўжаликларда фермалар бор эди, ҳозир булар йўқ, деб сабаб қидиради. Мен бунга қўшилмайман, чунки хўжалик фермаси бўлмаса-да, шахсий моллар бор-ку. Нима улар гўнг чиқармайдими? Қишлоқларда юрганимда кўраман, ҳар қайси хонадондан чиққан гўнг унинг ҳовлисида ёки уйининг ёнида, катта серқатнов кўча бўйларида уюм-уюм бўлиб ётади. Нима буни ерга солиш мумкин эмасми? Мана шу қишлоқда хўжалик раҳбарими, унинг бош ҳосилотими, борингки, қишлоқ хўжалиги биланми, табиат муҳофазаси биланми, ҳеч бўлмаганда, тиббиёт соҳасида шуғулланувчи мутахассис яшаса керак. Уларнинг бу билан иши йўқ. Булар билмайдики, қишлоқда турмуш маданияти, деҳқончилик маданияти нақадар паст. Буни, албатта, туман ҳокими ёки юқоридан бошқа раҳбар келиб ташкил қилиши керак. Қишлоқларимиз ҳавосини тоза тутиш, экологик муҳитни яхшилаш, атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш — бу бизнинг қўлимизда-ку. Шунинг учун, сабаб излаш керак эмас, балки Президентимиз айтганидек, ташаббускор бўлиш лозим. Имконият излаш, бунга ҳар бир жамоа аъзосининг эътиборини тортиш, уни ишонтириш керак. Бу деҳқончилик маданиятини юқори поғонага олиб чиқади.

**— Ҳозир республикамизда кўпгина фермер ва ширкат хўжаликлар, ерларни ижарага олиб ишловчи ижарачилар бор. Уларда ерларнинг аҳволи қандай?**

— Фермер ва ширкатчилар — хўжалик юритишнинг янги шакли. Лекин республикамиздаги ҳамма фермерлар, ширкатчилар ҳам қишлоқ хўжалигини, деҳқончиликнинг сирини биладиганлардан эмас. Уларнинг баъзилари ҳавас билан, айримлари бойлик тўплаш мақсадида ерларни олганлар. Булардан эҳтиёт бўлиш керак. Ерни ҳақиқий эгасига, унинг тилини тушунадиган, ҳамдард бўладиган, тўйинтирадиган фермерга, ширкатчига, пудратчига бериш керак. Кейинги йилларда суғориладиган майдонлардан икки маротаба ҳосил олинаётир, алмашлаб экиш тизими бироз бўлса-да, бузилмоқда. Бизнинг шароитда икки марта ҳосил олиш мумкин, лекин шунга қараб ерни ҳам тўйинтириш лозим.

Вақти келди, ҳар қайси фермер, ширкатчилар майдонларининг тупроқларини яхши билиши, бонитет балларини назорат қилиши, харитага — ҳужжатга эга бўлиш керак. Биз, мутахассислар уларга доимо ёрдам қўлимизни чўзамиз, керакли маслаҳатлар берамиз. Расмий ҳужжатларни тайёрлашга кўмаклашамиз. Бизнинг фақатгина улардан илтимосимиз тупроқ, ерни ҳурмат қилишга, зўрма-зўраки деҳқончилик қилишдан бош тортишга, тупроқни тўйинтиришга чақирамиз. Борингки, тупроқни, суғориладиган ерларни ўрганиш соҳасида ишлар кўп. Биз, тупроқнинг, ернинг нидосига қулоқ соладиган вақтимиз келди, тупроқнинг экологик шароитини яхшилаш фурсати келди, бу ишларни биз қилмасак, келгуси авлод бизни кечирмайди.

**—Қўйилган масала ва муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган бирорта бир давлат ташкилоти борми?**

—Ҳа, бизнинг бахтимизга бундай давлат ташкилоти бор.

Бу — 1998 йилда Президент Фармони билан таъсис қилинган Ўзбекистон ер ресурслари давлат қўмитаси ҳисобланади. Бу қўмита (раиси Э.Қурбонов) раҳбарлигида Ўздавлойиҳа (бош директори М.Ҳакимов) Ер кадастри бўлими (директори Ж.Мақсудов), Тупроқшунослик ва агрокимё илмий текшириш институти (директори Р.Қўзиев) бундай маъсулиятли ишларни республикадаги тупроқларни ўрганишга имконияти ва илмий салоҳияти мавжуд ўқув, илмий ва лойиҳа ташкилотлари билан ҳамкорликда бажаришни ўз зиммасига олган. Бу ўринда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик бўлими тўғрисида қисқача тўхталмоқчиман. Бу бўлим университетда 1920 йилдан бери Ўзбекистон тупроқларини ўрганиш билан шуғулланиб келмоқда. Дарҳақиқат, республикамизнинг барча вилоятлари тупроқлари, қолаверса, Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерациясининг Новгород вилояти тупроқларини ўрганиш соҳасида катта тадқиқот ишларини олиб борган. 1999 йилда бўлим республикамизнинг 7 та тумандаги 130 та хўжаликнинг янги таҳлилдаги тупроқ ва бонитет харитасини тузиб ишлаб чиқаришга топширди. Бўлимнинг илмий салоҳияти ва имконияти катта — 3 та фан доктори, 8 та фан номзоди, аспирант ва тадқиқотчилар гуруҳи, юқори курс талабалари мавжуд ва улар кўтаринки руҳ билан республика ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан навбатдаги топшириқни бажариш учун енг шимариб турибдилар.

**—Ҳозирги вақтда тупроқ бонитети ва кадастри тўғрисидаги катта ишлар қилинаётганлигини айтиб ўтдингиз. Хўш, бонитетдан фойдаланиш, тупроқ-ер кадастрининг келгусидаги истиқболи нимадан иборат деб ўйлайсиз?**

—Шуни қатъий таъкидлаш лозимки, тупроқ харитаси ва унинг сифатини баҳоловчи (бонитет бали) харита хўжалик тупроғининг ҳақиқий паспорти ҳисобланади. Мана шу ҳужжатлар асосида хўжалик тупроғи ва суғориладиган ер кадастри тузилади. Бонитет бу тупроқнинг табиий қуввати, унумдорлик кўрсаткичи. Ундан фойдаланиш инсоннинг меҳнатига боғлиқ. Агар ер эгаси тупроғимизнинг бонитет бали юқори экан (масалан, 80-90 балл) деб меҳнат қилмаса, у ердан ҳосил ололмайди. Аксинча, бонитети паст ерларда, тупроқ унумдорлигини у ёки бу замонавий агротехник тадбирлар билан яхшилаб борса, у албатта бу ердан юқори ҳосил олади. Мана шу ўринда бир муаммо пайдо бўлади. Бу муаммо ер солиғи билан боғлиқдир. Маълумки, ҳозирги кунда республикамизда қишлоқ хўжалиги учун ягона солиқ тури — ер солиғи мавжуд ва бу солиқ ернинг сифати, бонитет бали билан белгиланади. Тупроқнинг бонитет бали юқорига кўтарилган сари (масалан, 41-50 баллдан, 61-70 ёки 71-80) солиқ гектар ҳисобига оша боради. Буни мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Агарда суғориладиган ернинг бонитет бали дейлик 51-60 (олтинчи гуруҳ) бўлса, бунда ер эгаси 591,5х6,54-3868,4 сўм солиқ тўласа, бонитет бали 61-70 ўртасида бўлган ер эгаси эса гектар ҳисобида 591,5х9,00-5323,5 сўм ёки гектар бошига 1455,1 сўм кўпроқ солиқ тўлайди. (Ушбу ҳисоб Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани тупроқлари мисолида келтирилди).

**Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, экин майдонининг бали ошиши билан ер солиғи миқдори ҳам орта боради. Мана шу масалага жиддий эътибор берсак, биз ер эгасининг ёки фермернинг, ё ширкатчининг ер унумдорлигини оширишга хайрихоҳлиги йўқлигини кўрамиз.**

**Чунки, у ер унумдорлигини оширса навбатдаги балл белгилаш вақтида унга келадиган солиқ миқдори ошади. Шунинг учун ҳам ер эгаси иложи борича ер балининг камайиши тарафдори бўлиб тураверади. Бизнингча, ер солиғини унумдорлик билан боғлаш ғояси тўғри бўлса керак, бироқ бу ерда ҳар навбатдаги ер бонитетини белгилаш вақтида ерни яхшилаш эвазига тупроқ унумдорлигини оширишга эришган ер эгасини рағбатлантириш, ер унумдорлигини пасайтирган ёки унумдорлигининг кескин камайишига олиб келган ер эгасига нисбатан эса жарима, ҳаттоки маъмурий чора кўриш тадбирларини ҳам ўйлаб кўриш зарур. Шундагина ҳар бир гектар суғориладиган ер эгаси унинг унумдорлигини яхшилашга ҳаракат қилади. Яна қайтариб айтиш жоизки, бонитет бали нисбий кўрсаткич, уни рўёбга чиқарадиган нарса инсоннинг меҳнатидир.**

Шундай вақт келадики, ер эгаси ҳар бир қарич ер, бир сиқим тупроқни ардоқлайди. Чунки у бозорда сотилмайди, агарда йўқолса ҳеч ердан топилмайди. Ер ҳисобини, кадастрини билган раҳбар, деҳқон, ер эгаси ҳамма вақт бадавлат бўлади.

**— Орол теварагидаги муаммолардан яхши хабардорсиз. Табиийки, денгиз тақдири замин тақдири билан бевосита боғлиқ. Тупроқшунос сифатида шу боғлиқликнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтсангиз.**

— Орол денгизининг Амударё қуйи оқимида тутган ўрни беқиёс катта, бу тўғрида матбуотда кўп ёзилган. Бироқ ҳозирги пайтда денгиз сатҳининг пасайиши ҳамда Оролнинг чекиниши экологик фалокатга олиб келмоқда. Тупроқнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда, сизот сувлари сатҳи пасайиб, минераллик даражаси кўтарилмоқда.

Оролни сақлаб қолиш учун жуда катта сармоя сарф қилинмоқда. Унинг лоақал ҳозирги сатҳини сақлаб қолиш мақсадида Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимида қишлоқ хўжалиги ва саноатда ишлатиладиган ташландиқ сувларни Орол денгизига олиб келиш муаммолари ҳал қилинмоқда. Бунинг ўлка учун қанчалик фойдаси бўлар экан? Чунки бу ташландиқ сув таркиби ўта бузилган.

Айтиш лозимки, Оролни сақлаш тўғрисида кўп гапирамизу тупроқни сақлаш, уни муҳофаза қилиш масаласини эсдан чиқариб қўямиз. Бордию Оролни сақладик дейлик, лекин ўлканинг тупроғи батамом бузилган, деҳқончилик учун яроқсиз бўлса, унда Оролнинг нима кераги бор? Ахир, инсоният фақат Орол суви билан тирикчилик қила олмайди-ку, деҳқончилик ҳам керак. Тупроқ бузилса, уни ҳеч қандай маблағ билан тиклаб бўлмайди. Тупроқнинг пайдо бўлиши, шаклланиши учун бир инсон умри камлик қилади. Тупроқни табиат яратади, инсон ўз фаолияти билан унинг ривожланишини тезлаштиради ёки батамом барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Яна қайтариб айтаман, маблағ сарфлаб тупроқни вужудга келтириб бўлмайди.

Менинг бир истагим — Она тупроғимиз, олтинга тенг еримиз тўғрисида унинг хоссасини, мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида республикамизнинг етакчи газеталарида тез-тез чиқишлар қилинса ёмон бўлмасди.

Халқимиз билсинки мана шу тупроғимиз 4000 йилдан кўпроқ давр ичида бобокалонларимиз, буюк аждодларимиз мана шу заминда деҳқончилик қилган, ўзини боққан, кийинтирган, ўз маданиятини яратган, давлати қудратини сақлаган. Очиғини айтиш керакки, биз ҳали ўз деҳқончилик тарихимизни билмаймиз, тупроқшунослик тарихини, биз XIX-XX асрларда ижод қилган рус олимлари номи билан боғлаймиз, ваҳоланки, IX-X асрларда ижод қилган бизнинг буюк алломаларимиз Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синолар тупроқ тўғрисида, унинг ажойиб хислатлари тўғрисида ажойиб фикрларни ёзиб қолдирганлар. Биз дунёнинг ҳеч бир мамлакатларида учрамайдиган суғориш техникасига (чархпалак — чиғириқ), шўр ерлардан фойдаланиш услубига, тупроққа ишлов бериш услубларига ва бошқаларга эгамиз. Булар тўғрисида нафақат деҳқон, қишлоқ хўжалиги ходими билади, ҳаттоки ҳозирги даврда қишлоқ хўжалиги соҳаси илми билан шуғулланувчи олиму зиёлилар билади. Бу бизнинг энг катта камчилигимиз. Биз яқин келгусида ўтмиш деҳқончилиги-ю тупроқшунослик тарихини ёритиб берувчи тарихий китобни чоп этишимиз зарур.

■ **Суҳбатдош: Норбобо ШАКАРОВ**




## ОЛБРАЙТНИНГ САФАРИ

Келаси ҳафта АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Европа мамлакатлари бўйлаб узоқ муддатли сафарга чиқади.

Бу ҳақда давлат департаментининг расмий вакили Жеймс Рубин маълум қилди. Унинг айтишича, М.Олбрайт 3-4 март кунлари Лиссабонда ўтказиладиган Европа Иттифоқи-АҚШ-Россия кенгашида иштирок этади. Шундан сўнг, у Чехия ва Боснияга боради. Сафар якунида АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Брюсселда НАТО вакиллари ва Европа мамлакатлари раҳбарлари билан учрашади.

## ЯНА МУЗОКАРА

Хитой ва Вьетнам чегара масалалари бўйича музокараларнинг еттинчи босқичини ўтказди. Хитой ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, ушбу босқичда ўтган йилда ўтказилган музокараларга хулоса ясалди, шунингдек, Бэйбу қўлтиғидаги денгиз чегараларини аниқлаштириш бўйича музокаралар жараёнини тезлаштириш борасида фикр алмашилди.



Сочидаги «Дагомис» курортлар мажмуаси

## «КАЙФИ» ЙЎҚ ШАҲАР

Хельсинки кўчаларида маст ёки ширакайф одамни умуман учратмайсиз. Бир сўз билан айтганда, «кайф»сиз шаҳар.

Ҳукуматнинг янги қонунига кўра жамоатчилик, хиёбон, сайлгоҳларда, кўчада спиртли ичимлик ичиш, очиқдан-очиқ бутилка очиш, ширакайф ҳолатда юриш қатъиян ман қилинади. Қонунбузарларга катта миқдорда жарима солинади.

Шаҳарликлар, албатта, бу қонунни «жимгина» кутиб олишди, дейиш қийин. Лекин, қонун — қонун. Шикоятга ўрин йўқ. Қолаверса, Хельсинки 2000 йилда «Европанинг энг маданиятли шаҳри» деган номга сазовор бўлиш учун курашяпти.

Финлар нафақат спиртли ичимликлар, балки ёш-яланғни фаҳшга бошловчи ҳар қандай нашрларни сотиш ва харид қилишни ҳам қонун билан таъқиқлаб қўйишган. Бўйсунмаган кимсани ҳатто қамоқ жазосиям кутади.

Баъзан жамоат жойларида очиқдан-очиқ сотилаётган порнографик нашрларни, ҳатто бозор ва дўконда мактаб ўқувчиси сотиб ўтирган жинсий ҳаёт учун «порнографик қўлланма»ни кўриб ўйланади киши. Бу матоҳлар Европадан бизга кириб келяпти, деган мулоҳазагаям борамиз. Аслида бугунги Европа ичкилик-у фаҳш нашрлардан аллақачон юз ўгирган. Балки буни бизда қонун билан ман этишга ҳожат ҳам йўқдир. Ҳар қайси одам ўзи англаб етгани маъқулдир. Модомики, дунёвий тараққиётга интилар эканмиз, бундай кўринишлар илдиз отмасданоқ, барҳам бериш тўғрироқдир.

Азалдан бизнинг шаҳарларимизнинг «кайфи», «фаҳши йўқ», аслида.

## МОНИКА «КАСБИ»НИ ЎЗГАРТИРДИ

Тарихда қолишнинг минг бир йўли бор. Айниқса, Америка тарихида қолишнинг ўзи бўлмаса керак. Мана Моника Левинская атрофидаги шов-шувларни олинг. Таниқли Америкалик тележурналист Барбара Уолтерс кўрсатувларининг бирида Оқ уйнинг «маъшуқасини «у тарихда қолмаслиги мумкин эмас», дея башорат қилди. Моника ўзи ҳақидаги шов-шувлар эвазига ««еттинчи осмон»да парвоз қилиб юрибди. У Нью-Йоркдаги ўзининг шинам квартирасига ойига 4000 доллар тўлаб, касбини ўзгартиришга қарор қилди. «Миш-мишлар маликаси» аёллар сумкаси билан савдо қилувчи ўзининг хусусий фирмасини очди. Қизиғи, Мониканинг маҳсулоти 70-130 доллардан «учиб» кетяпти.

«Шов-шувлар айвонида» Моникани яна зўр бериб «жонли» реклама қилишяпти. Чунки, Женни Грейг ўзининг «Ҳаёт тарзини ўзгартириш» шоу-реклама дастурида яна соҳибжамол «маъшуқа»ни қандай қилиб 14 килограмм вазн ташлаганини тарғиб этяпти.

Шунақа. Сарвиқомат Моника ҳали узоқ «миш-мишлар маликаси» тожини ечмайдиган кўринади. Нима бўлганда ҳам Левинская барибир яхшими, ёмонми тарихда қолиши шубҳасиз, албатта.

■ **Саида Сайхун**

ШЕЪРИЯТ ЙЎЛЛАРИДА

ШУКРУЛЛО

# МИЛЛАТНИ МАДҲ ЭТМОҚ ФУРСАТИ ЕТДИ



*Миллатни мадҳ этмоқ фурсати етди,*
*Қуллик занжиридан қутқарди Худо.*
*Яна қандай дардинг бор шоир, энди?*
*Бир дардим, шу бахтдан қилмасин жудо!*

## ТИРИК ЎЛМОҚ

*Онажон, ўртаниб ғамимни ема.*
*Азобга қолди, деб қайғурма зинҳор!*
*Қамоқ азобларин азоб ҳам дема.*
*Худойимнинг минг бир азоблари бор.*

*Менинг ҳеч кимсадан гинам йўқ она.*
*Ахир ёмонни ҳам яратган Худо.*
*Менинг бир айбим бор якка-ягона*
*Эътиқодим бўлди бошимга бало!*

*Умид-у эътиқод бўлса одамда,*
*Бўлурму азоб-у ўлимдан қўрқмоқ!*
*Тилаб олганингда мени Худодан,*
*Ўлимдан каммиди сен тортган тўлғоқ!*

*Имон, эътиқоддан холи бўлганим,*
*Онажон, бахт топмай, бебахт ўлганим!*

* * *

*«Менинг нафсим балодир,*
*ёнар ўтга соладир»*
*Ўз нафсин қули бўлган*
*балоларга қоладир*

*Сенинг яхши ҳуснингни*
*ёмон феълинг бузади,*
*Манманлик, кибри ҳаво*
*бошимизга балодир.*

*Қани, севдим деганинг,*
*жоним қурбон деганинг,*
*Ёлғон тил дилингни ҳам*
*қилич каби ёродир.*

*Муҳаббатга не чора,*
*қари демас, ёш демас,*
*Шайтон йўлига кирган*
*уйқудан ҳам қоладир.*

*Гапни гапир уққанга,*
*одамлар феъли турфа,*
*Ҳар ким кўнглига келган*
*дўмбирасин чаладир.*

*Худо ақлу хуш берди,*
*кечирмайди тавбангни,*
*Ўтдан сувни фарқ қилмас сен эмас,*
*ёш боладир.*

*Эй, Шукрулло, нафсни тий,*
*ҳайю ҳавас ўткунчи,*
*Иймонни амал деган*
*жаннатга йўл оладир.*

## БИТТА МЕН ЎЗИММИ

*Баъзан жон куйдириб, яқин дўст билиб,*
*Кимнидир хатодан бўлсанг сақламоқ,*
*Битта ўзимманми, фақат менми деб,*
*Ўзини гуноҳдан бўлар оқламоқ.*
*Ўзгалар ҳақига хиёнат қилиш,*
*Агар бу ҳам десанг, гуноҳи азим,*
*Ўзин гуноҳини бошқага тўнкаб,*
*Фариштами дейди ҳаттоки ҳоким.*

*Прокурор дўстим бор, гап ўрни келиб,*
*Порадан сўз очсам, тинглаб сўзимни*
*У ҳам соддаликда мени айблаб,*
*Битта менми, дейди, бир мен ўзимми...*
*Ё тавба! Ё тавба битта ўзимми,*
*Деган баҳоналар чиқди қаёқдан.*
*Улар билармикин бошқалар эмас,*
*Ўзин осилишин бир кун оёқдан*
*Баъзи бир миршаблар, судлар ҳам борки,*
*Қуруғин олишдан ҳатто тоймайди.*
*Бу жиноят десанг битта менми деб,*
*Ўзин оқламоқдан асло толмайди.*

*Мабодо беморни кўрмоқчи бўлсанг,*
*Қоровул қўймайди, узатмасанг пул.*
*Бошлиққа арз қилсанг, унинг оғзидан,*
*Битта умид деган сўз чиқар нуқул.*

*Ҳаттоки набирам гуноҳ иш қилса,*
*Билдирмай шамғалат қилиб кўзимни,*
*Хатосини айтсам, ким ўргатдики,*
*Деядиган бўлди битта ўзимми!*

*Турфа баҳоналар, бу гуноҳларнинг*
*Наҳотки, етмади ўтиш баҳридан.*
*Битта мен ўзимми бундан нолиган,*
*Қўрқайлик охиратдан, Тангри қаҳридан.*

## МУДДАО

*Хотиржамлик, тинчлик истайсан,*
*Тилак тилаб қилганда дуо.*
*Аммо, дўстим, ўзинг тинмайсан,*
*Нелигини билмай муддао...*

*Узилади чирт-чирт япроқлар,*
*Ариқларда шилдирайди сув.*
*Қаҳрабо тус олмиш ўтлоқлар,*
*Куз келди-ку! Умр ўтди-ку!*

*Атрофга боқ! Сув куйин тингла!*
*Сакрашин кўр тошлардан оху.*
*Ғофил банда, бир нафас ўйла,*
*Сен истаган хотиржамлик шу!*

* * *

*Зарра ўртанмасдим, сени севмасам,*
*Ташвиш нелигини билмай ўтардим.*
*Сенинг дардинг бўлди қалбимга малҳам,*
*Дардингни елкамда жон деб кўтардим.*

*Тангрининг бу улуғ марҳамати-ку,*
*Қалбларга муҳаббат туйғуси солмоқ!*
*Унинг азоби-ю ва оромидан,*
*Инсонга бахт борми, ундан ортиқроқ.*
*Қалбингда муҳаббат, севги ороми,*
*Бўлмаса, азоб ҳам бўлмайди, бироқ.*
*Бўлмаса муҳаббат, висол азоби,*
*Бўлардим сўққабош, мевасиз таёқ.*

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# ҲОЖАТБАРОР



— Бу воқеага қирқ йилдан ошди-ёв, — дея ҳикоя қилади у. —Ўшанда Тошкент коммунал хўжалик техникумини битириб, ўзимни зўр мутахассис ҳисоблаб юрганманми, ҳар қалай, отам суҳбатга тортиб қолдилар.

— Ўғлим, улғайиб, илмли-билимли бўлганингдан кўнглим тоғдай. Илойим, кўз тегмасин. Мен ҳамиша шукрона айтаман. Сенга икки оғиз гапим шулки, билсанг, олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин. Айни пайтда одам бўлиш осон, одми бўлиш қийин. Бировга яхшилик қилсанг, зинҳор миннат қилмагин. Аксинча, бировдан эзгулик кўрсанг, сира унутмагин. Биламан, ҳали ёшсан. Вақти келиб бу сўзларимнинг мағзини чақарсан...

Сунатилла Файзуллаев ўз касбига меҳр қўйган инсонлардан эканини амалда намойиш этди. Маҳаллаларда, турар жойларда унинг шаънига илиқ гаплар айтилди. Ота дуосини олган бу инсон сира кам бўлмади. 1966 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқариш-техник хизмати давлат хўжалик ҳисобидаги «Бошкоммунгаз» бошқармаси таъминот бўлимига бошчилик қилиб келмоқда. Бу йиллар мобайнида шаҳар-қишлоқлар, маҳалла ва кўчалар газлаштирилди. Узоқ йиллик тажрибасидан у яхши биладики, қиш- қировли кунларда газга бўлган талаб ниҳоятда ортади. Шунинг учун газ босимининг мутаносиблигини таъминлаш муҳим омиллардан эканини билади.

Сунатилла мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган газ-плиталари жаҳон андозаларига мос бўлишини орзу қилади. Ҳали мамлакатда олис қишлоқларга газ етиб бормаганидан қайғуради. Сунатилла Файзуллаевнинг фикрича, мамлакатни мутлақ газлаштириш табиат, қолаверса, экологияни яхшилашда аҳамият касб этаркан. Имкон қадар балонли газлар ишлаб чиқариш кўпроқ йўлга қўйилса айни муддао бўлади. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, сунъий ва табиий газдан автомашиналарда фойдаланиш билан ҳавонинг 15 ва 20 фоиз ифлосланиши олди олинаркан. Тутун 8-10 баробар камаяди. Муҳими, газ ёнилғиси бензинга қараганда анча арзонроқ.

— Сунатилла Раҳматович узоқ йиллар мобайнида нафақат жамоанинг, балки ўнлаб юртдошлари меҳрини ҳам қозонди, — дейди бошқарма раҳбари Фарҳод Жумаев. — 40 йил бир соҳада меҳнат қилиб, ўз касбининг устасига айланиб, дўст-ёрлар орттирган бу инсонда бир фазилат устувор — ҳамиша ҳожатбарорликни ҳис этиб турдик...

■ **Мирзо АНВАР**

# ГЕРМАНИЯДАН ЎЗБЕКИСТОНГА

Тошкентга Германиядан навбатдаги инсонпарварлик юклари ортилган «Ўрта Осиё Транс» автокорхонасининг иккита трайлери жўнатилди, — дея Бонндан хабар беради «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири Шуҳрат Ёқубов. Унинг айтишича, ГФР Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва «Германия-Ўзбекистон» жамиятининг Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси кўмагида амалга оширилган ушбу хайрия иши Германия ҳукумати билан биргаликда эришилган келишувлар натижаси бўлди.

30 тоннадан зиёд ва нархи 4,5 млн. немис маркасига тенг бўлган инсонпарварлик ёрдами 120 дан ортиқ турли тиббий жиҳозлар ҳамда санитария-жарроҳлик ускуналарини ўз ичига олган. Ушбу жиҳозлар, биринчи навбатда мамлакатимизнинг энг олис бурчакларидаги шошилинч тиббий ёрдам марказларига юборилади.

Республикамизнинг бешта касалхонаси учун мўлжалланган мебель ва ошхона жиҳозларининг тўла мажмуи ҳам инсонпарварлик рўйхатидан жой олган.

■ **«Жаҳон» АА**

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
*Абдулла ОРИПОВ*
*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ*
*Азиз НОСИРОВ*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ*
*Ислом ШОҒУЛОМОВ*
*Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*
*Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)*
*Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)*
*Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)*
*Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)*

МУАССИС:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
*Сиёсат — 133-44-55*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*
*Факс — 133-47-80,133-38-55, 133-73-43, 133-06-83*

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-12-56;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
*Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
*Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
*Ҳажми 2 босма табоқ.*
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 092

*Топшириш вақти -- 21.00.*
*Топширилди -- 21.00.*
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

## Мангуберди «Бешқалъа»да

Қорақалпоғистон Республикаси театри жамоаси репертуарини янги асарлар ҳисобига бойитмоқда. Айниқса, улар мустақиллик йилларида қадриятларимизни, тарихий меросларимизни тиклашда самарали меҳнат қилишмоқда. Бу ўз навбатида ёшларни ватанпарвар, меҳнатсевар, маънавий баркамол, каттага ҳурмат, ёшларга ғамхўр руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Бердақ мукофоти совриндори, таниқли шоира, «Аму тонги» газетаси бош муҳаррири Гулистон Матякубова, Нукус шаҳар маданият ишлари бўлими қошидаги «Бешқалъа» халқ ҳаваскорлик театри директори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Айландур Утеулиевлар атоқли саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳаётини тасвирловчи «Султон Жалолиддин» драмасини ёзиб тугатди.

Шу кунларда «Бешқалъа» театрида драмани саҳналаштириш ишлари олиб борилмоқда.

■ **Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## «МИРИШКОР» НАВРЎЗГА ШАЙЛАНАЯПТИ

Пешку туманидаги Қалъайи Миришкор қишлоқ маданият уйи ҳузуридаги «Миришкор» дастаси мамлакатимиз пойтахтида ўтадиган Наврўз байрами тантаналарига қатнашиш имкониятига эга бўлди. Шу боис 50 кишидан иборат ижодий гуруҳ тайёргарликни кучайтирмоқда. Режиссёр Омон Чориев саҳналаштираётган томоша дастуридан ўрин олган «Бухороча уфор», «Сумалак», «Рўпарамда буралиб турма йигит» лапар ва рақслар ҳаммага завқ-шавқ бағишлаши аниқ.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЯХШИЛАРНИ ОЙ НУРИГА ЎРАЙЛИК

Хива шаҳридаги 20-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳузурида воҳанинг таниқли ижодкорлари меҳмон бўлишди. «Соғлом авлод йили» муносабати билан ўтказилган ушбу тадбир «Яхшиларни ой нурига ўрайлик» деб номланди ва унда шоирлар Матназар Абдулҳаким, Зарифий болаларга бағишланган шеърларидан ўқиб бердилар, юртимизда ёш авлод тарбияси борасида амалга оширилган савобли ишлар хусусида сўз юритдилар.

«Меҳрибонлик уйи» раҳбари В. Пак ижодкорларга миннатдорчилик билдирди ва тез-тез тарбияланувчилар меҳмони бўлиб туришларини таклиф қилди.

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ААПХ «ТАШКЕНТХЛЕБОПРОДУКТ»

**ИНФОРМАЦИЯ О ПРОВЕДЕНИИ ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ**

**Наименование общества — ААПХ «Ташкентхлебопродукт»**
**Местонахождение общества: г.Ташкент,**
**ул. Мухтара Ашрафи, 106.**
**Дата проведения — 31 марта 2000 г., время 15[00].**
**Место проведения собрания-актовый зал ААПХ «Ташкентхлебопродукт».**
**Дата закрытия реестра акционеров — 1 марта 2000 г.**

**ПОВЕСТКА ДНЯ СОБРАНИЯ:**

1. Об итогах деятельности общества за 1999 год.
2. Утверждение годового баланса и заключения аудиторской проверки.
3. Отчет ревизионной комиссии.
4. Утверждение размера дивидендов, выплачиваемых по итогам 1999 года.
5. Разное.

**БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС**

| № | Наименование показателей | Значение показателя (тыс. сум) |
|---|---|---|
| 1. | Долгосрочные активы | 244594 |
| 2. | Оборотные активы | 3252606 |
| | *Всего активов* | *3497200* |
| 3. | Источники собственных средств, в т.ч. Уставный фонд | 48667 |
| 4. | Обязательства 3448533 | |
| | *Всего по пассиву баланса* | *3497200* |

**ОТЧЕТ О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ**

| № | Наименование показателей | Значение показателя (тыс.сум) |
|---|---|---|
| 1. | Выручка от реализации продукции (работ, услуг) | 2871528 |
| 2. | Финасовый результат (прибыли или убытки) от основной деятельности | 444036 |
| 3. | Финансовый результат (прибыли или убытки) от общехозяйственной деятельности | 161642 |
| 4. | Чистая прибыль (убыток) за отчетный год | 65889 |

Аудиторская проверка финансово-хозяйственной деятельности проведена независимым аудитором «АТТАШЕ АТД», лицензия №325 от 28.04.1997 года.

Акционеры могут ознакомиться с информацией (материалы), подлежащей представлению акционерам при подготовке общего собрания в Наблюдательном совете по адресу: г.Ташкент, ул. Мухтара Ашрафи, 106 и реестродержателя-ДП «Прогноз Плюс» по адресу г.Ташкент, ул.Навои,18. Тел.: 41-46-58.

**НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ**

# «ШОИР» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз газетхон! Эътиборингизга ҳавола этилган ушбу машқ Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов асарлари асосида тузилган. Аввало қуйидаги шеърий сатрларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.




**1. «Инсон» қасидасидан:,**
Собиту сайёрада
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.
Мулки 5, 22, 2, 4 ичра бир
Хоқон ўзинг, 3, 9, 22, 18, 5, 6 ўзинг».

**2. «Ўғлимга» шеъридан:**
«Балки олим бўлмассан болам,
Сендан чиқмас шоир ҳам бироқ —
11, 22, 12, 9, 17 бўлиб порламасанг ҳам
Майли бўлгин йўлларда 14, 1, 7, 5, 16».

**3. «Ёшлик» шеъридан:**
«Ёшлик-гулу гулғунча экан,
Бу гул олам тургунча экан,
Ёшлик — 21, 8, 15, 2, 12 тушунча экан,
Поёни йўқ гардунча экан.»

**4. «Ватандин яхши ёр бўлмас» — қозоқ шоири Жумакент Нажмиддинов ғазалига мухаммасдан:**
«Жаҳонда мен туғилган
Ўлкадек ҳеч бир диёр бўлмас,
Бу янглиғ боғу 13, 9, 22, 19, 2, 6
Ҳам бу янглиғ гулзор бўлмас».

**5. «Ўлка» шеъридан:**
«23, 1, 22, 4, 2, 24, 12, 1 ўзида йўқ шод
Янги ой ҳам кетмай қошингдан.
Этак-этак олиб коинот
Юлдузларин сочар бошингдан...»

**6. «Ўзбегим» қасидасидан:**
«Мен 21, 9, 11, 20 юрт ўғлидурман,
Мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим»

**7. «Камтарлик ҳақида» шеъридан:**
«Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
10, 18, 4, 2 ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунингчун
Ўпар доим пешонасидан».

Энди шаклдаги рақамларни жавоб сўзларидаги таааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Ундан шоирнинг она диёримиз мадҳига бағишланган шеъридан тўрт мисра аён бўлади. Бу шеърнинг номини биласизми?

■ **Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ**

### «МАЪРИФАТ» ЎЙЛАНМАСИ ЖАВОБЛАРИ

1. Навоий. 2. Эзоп. 3. Ибрат. 4. Гулханий. 5. Яшин. 6. Хуршид. 7. Шуҳрат. 8. Замахшарий. 9. Огаҳий. 10. Маҳзуна. 11. Тусий. 12. Ўрдубобий. 13. Ғаззолий. 14. Лутфий. 15. Рудакий. 16. Қашғарий. 17. Деҳлавий.

***Ҳикмат:***
**Энг яхши мезон тўғриликдир.**